

# Ақоид уламоларининг Аллоҳнинг борлиги ҳақидаги баҳсларга аҳамият бермаганларининг сабаби | Ақийда дарслари (267-дарс)



15:27 / 04 март 1637

Аллоҳнинг мавжудлиги ҳақидаги баҳсни тарк қилиб, гапни Унинг тавҳидидан бошлашимизнинг сабаби, озгина даҳрийлар тўдасидан бошқа махлуқотларнинг бирортаси Аллоҳнинг мавжудлигини инкор қилмаслигидир. Шунинг учун ҳам Аллома Али Қори ўзининг «Фикҳул Акбар»га қилган шарҳида: «Имом (Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи) Аллоҳнинг мавжудлиги шухуд мақомида [\[1\]](#) равшан экани билан кифояланиб, бу ҳақда баҳс қилиб ўтирмаган», деган.

Қуръони Каримда қуйидагилар айтилган:

السَّمَوَاتِ فَاطِرِ شَكُّ اللَّهِ أَفِي رُسُلِهِمْ قَالَتْ ﴿

وَالْأَرْضِ

«Расуллари уларга: «Осмонлару ернинг йўқдан бор қилувчиси бўлмиш Аллоҳ ҳақида шак борми?..» дедилар» (Иброҳим сураси, 10-оят).

نِعْمَةً خَوْلَهُ إِذَا تَمَّ إِلَيْهِ مُنِيبًا رَبَّهُ، دَعَا

«Агар улардан: «Осмонлару ерни ким яратди?» деб сўрасанг, албатта, «Аллоҳ!» дерлар» (Зумар сураси, 38-оят).

Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг мавжудлиги махлуқотнинг табиатида собитдир. Бунга Аллоҳнинг қуйидаги сўзи ишора қилади:

عَلَيْهَا النَّاسَ فَطَرَ اللَّهُ فِطْرَتَ

«(Бу) Аллоҳ одамларни яратган асл табиатдир» (Рум сураси, 30-оят).

Худди шу маънога ҳадис ҳам ишора қилади:

يَلَعُ دَلُّوِي دَوْلَوْم لُك  
«يِرَاخُ بُلَا هَاوَر...» ةَرَطِ فُلَا

«Ҳар бир туғилган бола соф табиат ила туғилади».

*Бухорий ривоят қилган.*

**Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси» китобидан**

[1] Шухуд – Ҳақни ҳақ ила, қалб кўзи билан кўриш.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.